



ЙИРОҚ АМРИҚОДА ТАФТ СОЧАР БУ КУН ЎЗБЕК ҚУЁШИНИНГ ОЛОВ ПАРЧАСИ

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

28 июнь, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 130 (1383)

Бугуннинг гапи

УЧ КУН ДАВОМ ЭТГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ТОШКЕНТДА ОЧИЛГАН «ФАЛОКАТЛАРГА
ТАЙЁР ТУРИШ БЎЙИЧА МИНТАКАВИЙ ВАЗИ-
ФАЛАР» МАВЗУСИДАГИ УЧ КУНЛИК ХАЛҚА-
РО МИНТАКАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ-СЕМИНАР
УЗ ИШИНИ ТУГАТДИ.

Уни Қизил хоч ва Қизил яраймо жамиятлари халқаро федерация-
си Ўзбекистон Қизил яраймо жамияти билан бирга ўтказди. Европа
Иттифоқи ҳузурдаги муруват ёрдами бўлими шафелик қилган бу
анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматларининг вакилла-
ри, шу давлатлар Қизил яраймо жамиятларининг раислари, Югосла-
вия, Германия Қизил хоч жамиятларининг, шунингдек минтақадаги
халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбеки-
стон вакиллари анжуманда факулдада вазиятларга доир давлат ре-
жалари ва дастурларида Қизил хоч ва Қизил яраймо жамиятларининг
ўрнини ва имкониятларини ҳисобга олиш зарур, деган яқдил хулоса-
га келди.

— Уз ишини якунлаган анжуман фалокатларга тайёр туриш маса-
ласида катта аҳамиятга эга, — дейди Қизил хоч ва Қизил яраймо
жамиятлари халқаро федерациясининг ташки алоқалар ва асосий
ишчиликлари муровидлаштириш бўйича бош котибининг ўринбоса-
ри Стивен Дейв. — Шаҳсан мен анжуман ишдаги қанот ҳосил
қилдим. Бу ерда қабул қилинган қарорлар федерациямизнинг 1995
йил декабрь ойида Женевада ўтган 26-халқаро конференцияси қа-
рорларини минтақада амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамдир.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА САФАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



ВАШИНГТОН. 25 ИЮНЬ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВА АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛЛ КЛИНТОННИНГ ОҚ УЙДА ЯККАМА-ЯККА СУХБАТИ ПАЙТИ.

РЕЙТЕР АГЕНТЛИГИ ОЛГАН СУРАТ.
«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ОРҚАЛИ ОЛИНДИ.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПЕНТАГОНГА ТАШРИФИ

Вашингтон. 26 июнь (ЎЗА махсус мухбири Амиркул
Карим хабар қилади).

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА САФАРИНИ МУВАФ-
ФАҚИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРАЁТГАН ЎЗБЕКИ-
СТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БУГУН «МА-
РИОТТ» МЕХМОНХОНАСИДАГИ ҚАРОРГОҲДА АМЕ-
РИКА САВДО ВА ТАРАҚҚИЁТ АГЕНТЛИГИ РАИСИ
ЖАНОБ ГРАНД МЕЙСОН ВА АҚШ САВДО ВАЗИРИ
ЎРИНВОСАРИ Б. КАРТЕР РАХБАРЛИГИДАГИ ДЕ-
ЛЕГАЦИЯНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Сухбат чоғида Ўзбекистон билан
АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий
алоқаларни ривожлантириш билан
боғлиқ масалалар муҳокама қилин-
ди. Ислом Каримов шу кунни АҚШ
Мудофаа вазирига ташриф
бурди.

Пентагонда Ўзбекистон раҳбари-
ни тантанали кутиб олиш мароси-
ми бўлди. Американинг барча қў-
шин турларидан иборат фахрий қо-
ровул саф тортди. Тушлардан салот
берилди. Ўзбекистон ва Америка
Қўшма Штатлари махфиялари ян-
гари. Ўзбекистон Президенти И.
Каримов ва АҚШ мудофаа вазири
У. Перри фахрий қоровул сафи ол-
дидан ўтидилар.

Маросимдан сўнг, И. Каримов
ва У. Перри Мудофаа вазирига
мулоқотда бўлдилар. Ўзбекистон де-
легацияси билан АҚШ Мудофаа ва-
зирига делегацияси ўртасида му-
зокаралар бўлиб ўтди.

Ислом Каримов шарафига уюш-
тирилган тушликдан сўнг, Ўзбеки-
стон раҳбари Арлингтон қабристо-
нида Номазум аскар қабрини,

Жон ва Роберт Кеннедилар қабри-
ни зиёрат қилди. Улар хотирасига
хурмат бажо келтириб, гулчамбар
қўйди. Бу маросим чоғида ҳам АҚШ
барча қўшин турларидан фахрий қо-
ровул саф тортди. Ўзбекистон ва
Америка давлат махфиялари ижро
этилли.

Юртбошимиз бутун АҚШ сена-
тига ташриф бурди. Бу ерда Тен-
неси штати губернатори Д. Санк-
вист ва ушбу штатдан сайланган се-
наторлар билан учрашди. Учрашув
ниҳоясида Ўзбекистон ва АҚШни-
нг компаниялари ўртасида ҳамкор-
лик ҳақидаги ҳужжатлар имзолан-
ди.

Вашингтондаги учрашувлар яку-
нида Ислом Каримов миллий мат-
буот клубига ташриф бурди. Бу
ерда журналистларни ташриф яку-
нлари билан таништирди ва уларни-
нг саволларига жавоб қайтарди.

Шу кунни Президент И. Каримов
Вашингтондан Техас штатининг
Хьюстон шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон Президентининг
АҚШга ташрифи давом этмоқда.




КЕНГАШ РАИСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Америка Қўшма Штатларида феде-
рал заҳира тизими бошқарувчилар
кенгаши марказий банк ролини бажа-
ради. АҚШ конгресси сенати Алан
Гринспени федерал заҳира тизими
бошқарувчилар кенгаши раиси лаво-
зимига сайланганини тасдиқлади. Хо-
зир 70 ёшда бўлган Алан Гринспен
учинчи бора мазкур лавозимни эгал-
лади ва у 2000 йилга қадар шу ман-
сабда фаолият кўрсатади.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БОШЛАНДИ

Озарбайжон давлат мулк қўмитаси
1996 йилнинг охирига қадар 16 минг-
та дўконни сотишни режалаштирган.
Яқинда Боку шаҳридаги тўртта мага-
зин ва иккита савдо шаҳобчаси илк
бора хусусийлаштирилди. Ким ошди
савдосида ушбу дўконлар 9490 АҚШ
долларига сотилди.



СУРАТДА: Хитойдаги дарё
портларидан бирида.

АСИРЛАР ОЗОД ҚИЛИНАДИ

Никарагуа ва Гондурас ҳукумати
Америка давлатлари ташкилоти билан
ҳамкорликда собиқ контрас гуруҳи то-
монидан қўлга олинган 35 нафар асир-
ни кутқариш чора-тадбирларини кўр-
моқда. Кўпуровчилар гаровга ушлаб
турилганларни Никарагуа ҳукумати
мамлакатнинг шимолий вилоятларида
доимий қўшинларни олиб чиқиш
ҳақида қарор қабул қилса озод этиш-
ларини таъкидламоқдалар.

ЯНГИ АСР ОСТОНАСИДА...

АҚШ давлат департаменти расмий
вакили Николас Бернс Қўшма Штат-
лар БМТ Бош котиби Бутрос Фойлийни-
нг ўз лавозимига келгуси беш йил учун
қайта сайланиш йўлидаги ҳаракатла-
рини қўллаб-қувватламоқда. Бернс
қайта қайтди. Унинг фикрича, АҚШ ҳуку-
мати янги аср остонасида БМТнинг
ички тузилишига жиддийроқ разм со-
либ, ушбу халқаро ташкилотта янги
раҳбарият келиши лозим деб айтди.

МАТБУОТЧИЛАР БАЙРАМИ ЭНДИ ҲАР ЙИЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ФАРМОНИГА АСОСАН ТҮРТ ЙИЛДИР-
КИ, 27 ИЮНЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТ ВА ОММОВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОН-
ЛАБ КЕЛИНМОҚДА. БУ ҚАЛАМ СОҲИБЛАРИ, РАДИО ВА ТЕЛЕВИДИЕНЕ
ИЖОДКОРЛАРИ, МАТБААЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУ-
РИШ, ХАЛҚИМИЗНИ ВАТАНГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ БОРАСИ-
ДАГИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЭЪТИРОФИДИР.

27 июнь кунни пойтахтнинг
кўркам масканларидан бири —
«Тошкент-ленд» истиродаи боғи-
да матбуот ходимлари кунига ба-
ғишланган байрам ўтказилди. Уни
республика Давлат матбуот қўми-
тасининг раиси Р. Шогуломов оч-
ди.

Ўзбекистон Президенти дено-
ни Ахборот маркази раҳбари ва-
зифасини бажарувчи Қ. Раши-
дов йиғилганларни байрам бил-
дан табриклаб, соҳа вакиллари-
нинг республикамиз ижтимоий-
сий, маънавий-маърифий
ҳаётидаги салмоқли ўрни, хусу-
сан, иқтисодий ислохотларни,
истидол ва миллий мафкура
тоғларини тарғиб этишда сам-
али меҳнат қилаётгани хусуси-
да таъкирди. Фахрий журналист-
лардан Қ. Ноирова касбшона-
ларини қўллар экан, шарафли қа-
сб эгаларига кўрсатилаётган
эътибор ва раҳбарлик учун мам-

лакатимиз раҳбариятига миннат-
дорлик билдирди.

Республика журналистлар
уюшмаси 1995-96 йилларда га-
зета-журналларда эълон қилин-
ган ва радио-телевидениеда
эшиттирилган «Йилнинг энг ахи-
ши журналистик иши учун» тан-
лов эълон қилган эди. Мазкур
танлов комиссияси раиси М. Қо-
риев голибларга дипломларни
топширди. Шунингдек, бир гу-
руҳ журналистлар республика
«Наврў» хайрия жамғармасининг
мукофотларига сазовор бўл-
ди.

Боғда матбуот нашрлари, ре-
спублика нашриётлари янги маҳ-
сулотларининг ярмаркаси, китоб
савдоси ташкил этилди. Таниқ-
ли санъаткорлар ва балдий ҳа-
васкорлик жамоалари шодона-
га фойза киритди. Шу кун бон-
даги барча аттракционлар бай-
рам қатнашчиларига бепул хиз-

мат кўрсатди.

Республика журналистлар
уюшмаси раиси Л. Кабиров Ўз-
бекистон Ташқи иқтисодий ало-
қалар вазирлиги ҳамда Тошкент
шаҳар ҳокимлигига байрамни ў-
тказишга шараф яратиб берган-
ликлари учун миннатдорлик из-
ҳор этди.

Байрам тантаналарида Пре-
зидентнинг Давлат маслаҳатчи-
си Х. Жўраев қатнашди.

Шу кунни «Шарқ» матбаа-но-
ширлик концернининг 75 йил-
лигига бағишланган тантанали
йиғилиш бўлди. Концерни бош
директори И. Шогуломов кор-
хонанинг босиб ўтган йўли ҳам-
да жамоа олдига турган вазифа-
лар ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда Россия, Украина
ҳамда Марказий Осиё мамлакат-
ларидан келган меҳмонлар ҳам
иштирок этди.

Фанлар академияси
раёсатида танлов голиб-
ларига грантларни топши-
ришга бағишланган танта-
нали йиғилиш бўлди. Ун-
да Фанлар академияси бў-
лимларининг раислари,
илимий тадқиқот инсти-
тутиларининг директорлари,
таниқли олимлар иштирок
этиди.

Йиғилишни Ўзбекистон
Фанлар академиясининг
президенти, Фанлар акаде-
мияси фундаментал тадқиқот-
ларни қўллаб-қувватлаш жам-
ғармаси раиси, академик Тў-
ғамурод Жўраев очди. У ўз
тадқиқот ишларини янгида ри-
вожлантириш учун грант ол-
ган танлов голибларини та-
бриклаб, тушларидан ҳам-
гарманинг мақсад ва вази-
фалари тўғрисида сўзлаб
берди.

Танловда академиянинг
барча институтлари ҳамда
бўлимлари иштирок этди.
Танловга тақдим этилган
ишлар жуда синчковлик би-
лан, бир неча босқичда си-

РЕСПУБЛИКАНИНГ МИНГТА ЯҚИН ОЛИМИ ЎЗИ
ЎТКАЗАЁТГАН ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИ-
РИШГА ГРАНТ ОЛДИ. УЛАР ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАРНИ
Қўллаб-қувватлаш жамғармаси эълон қил-
ган танлов якунлари буйича энг истиқбол-
ли деб эътироф этилган 131 лойиҳани иш-
лаб чиқишда қатнашмоқда.

наб кўрилди. Якунловчи бос-
қичда лойиҳалар сифатини
республиканинг таниқли
олим ва мутахассисларидан
иборат жамғарма кенгаши
баҳолади. Лойиҳаларнинг
долзарблиги, иқтисодий
ривожлантиришда, жаҳон ан-
дозларига мос келадиган

билан шу йил март ойида
ташвиқ этилган эди.
Фундаментал тадқиқот-
ларни рағбатлантирадиган
бундай кенг миқёсдаги танлов
республикада биринчи мар-
та ташкил этилди. Эндилек-
да бундай танлов ҳар йили
ўтказилади.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Бухорода тадбиркорликни ҳуқуқий жиҳат-
дан таъминлаш масаласига бағишланган се-
минар бўлди. У «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон
тадбиркор аёллари уюшмаси томонидан Аме-
рика юридик консорциуми кўмағида уюшти-
рилади.

Семинарда Бухоро вилоятидаги тадбиркор

аёллар иштирок этди. Унда тадбиркорлик фао-
лиятига, айниқса Ўзбекистон солиқ тизимига
доир республикамиз қонунчилигига киритилган
сўнгги ўзгаришлар муҳокама қилинди. Тадбир-
корлар иш тажрибалари билан ўзаро ўртоқла-
шиб, зарур ҳужжатларни қай тарзда тузири рас-
мийлаштириш тўғрисида маслаҳатлашишди.

(ЎЗА)



ОНА ШАҲРИМ ТОШКЕНТИМ МЕНИНГ,



Тошкент шаҳрининг Ўзбекистондаги мавқеи ва аҳамияти ҳаммамизга аён. У мустақил давлатимизнинг пойтахти, йирик илмий марказигина бўлиб қолмасдан, унинг юраги ҳамдир.

Тошкент аҳли эса азалдан меҳнаткаш, бир сўзли, оқибатли, бағри кенг, юрт ва миллат учун бутун борлиги билан хизмат қилишга қаттиқ бел болаган фидокор инсонлардир.

Тошкент — Ўзбекистоннинг кўрқидир. Уни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш сиз билан бизнинг муқаддас ва шон-шараф ишимиздир.

Ислом КАРИМОВ.

Саоат ҲАВО КЕМАЛАРИМИЗ ПАРИЖ ВА БЕРЛИН КЎРГАЗМАЛАРИДА МУНОСИБ БАҲО ОЛДИ

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси нафақат Тошкентда, балки республикамизда энг йирик саоат корхоналаридан биридир.



Республикамиз истиқлолга эришгандан кейин бирлашма аҳли ҳам мустақил иш юртира бошлади. Бу ерда «Ҳаво кема-лари»нинг технологик тузили-шини яхшилаш, ишлаб чиқа-ришдаги меҳнаттабб жараён-лар ва улар турларини ка-майитириш бўйича кўплаб ма-салалар ҳал этилди.

«ИЛ-114» жаҳон бозорида ҳам бемалол рақобатлашиши мумкин. Негаки, у узоққа учи-ши, кўп йўловчиларни таший олиши жиҳатидан Англиянинг «АТП», Франция ва Испаниянинг «АТР-42» ва Швеция-нинг «СААБ-2000» самолётла-ридан устун туради. Шу са-бабли, «ИЛ-114» Париж ва Берлин авиакўргазмаларида муносиб баҳо олди.

Ҳасан ЮСУПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ — Ўзбекистон Республикасининг пойтахти. Мамлакатимизнинг энг йирик саоат-транспорт ва маданият маркази. Республиканинг шимоли-шарқида, Тянь-шань тоғлари этакларида, денгиз сатҳидан 440-480 метр баландликда, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган. Майдони 250 кв.км. Аҳолиси 2 миллиондан зиёд.



Тошкент — шарқни ғарб билан боғлаб турувчи қадимий Ипак йўли устида жойлашган йирик шаҳарлардан биридир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, у янада яшариб, янгича қиёфага кирди. Жаҳон халқларининг назари тушиди.

Халқаро миқёсда турли анжуман, семинар ва конференциялар ўтказиладиган марказлардан бирига айлан-ди. Ҳозирда Тошкент де-ган ибора етти иқлимда исти-қомат қилувчи элатлар тилию дилида янграб туриб-ди.

Тонг палласи Тошкент-нинг жимжит ва осуда кў-чаларини кезиб, унинг яқин ўтмишидаги ва бугунги қиё-фасини ёрқин кўраман. Пойтахтимизда кейинги беш йил ичида қанчалан-қанча ўзгаришлар рўй бер-мади, дейсиз. Салобатли «Туркистон», «Наврўз» са-ройлари, турк бинокорла-ри ёрдамида кўкка буй чўз-ган янги кўргазма мажмуа-си, «Тошкентленд» болалар ўйингоҳи, тураржой мавзе-лари лойтахт ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Маҳалла-ларда янги тузарлар, кенг ва равоён йўللар очилмоқ-да, турли объектларда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Қайтадан чи-рой очган, кенгайтирилган «Эски жува», «Олой», «Фар-ҳод», «Бешёғоч», «Миро-бод», «Аския» «Отчопар» «Паркент» бозорларини таърифлашга сўз топиш қийин. Пештахталарда ёзу-қиш уйилиб турган мева-лар, қонуи-тарвуз, полиз маҳсулотлари маъмурчилик-дан нишона. «Бозор тўла

— эл тўяди» — дейди халқ-кимиз. Меҳнат қилиб, мўъжиза яратадиган ми-ришкор, тадбиркор, урду-бурон халқимиз билан ҳар қанча фахрланасан оз.

Тошкентга пойқадами етган буюк зотлар — со-ҳибқирон Амир Темур, шеърят султони Алишер Навоий, мавлоно Мирзо Улўғбек ҳайкаллари савлат тўкиб турибди. Амир Темур хиббони ёнида «Темурийлар даври тарихи» музейи ку-рилиши ниҳоясига етай деб қолди.

Ўзбекистон Конститу-циясида республикамизда истиқомат қилувчи турли миллатдаги фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги қафолат-ланган. Улар бир оила аъло-ларидек иноқ яшайдилар. Тошкентда ўнлаб хоржий мамлакатлар маданий мар-казлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Пойтахтимизда деярли барча қиёфада дав-латларнинг элчионалари, БМТ ва унинг тизимидаги ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ка-би халқаро ташкилотларни-нг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Ҳозирда Тошкентда дав-латга қарашли бўлмаган тўққиз мингга қорхона иш-лаб турибди. Улардан 1500 га яқини саоат, 2645 таси савдо қорхонасидир. Уму-мий саоат ишлаб чиқариш

Тошкент — кўҳна ва навқирон шаҳар. Бу ерда Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги каби тарихий обидалар кўп.

Кўхалдош, Абдуқосим ва Баракхон мадрасалари, Юнус-хон ва Шайхонтоҳур мақбаралари, Чилонзор оқтепаси, Юнусобод оқтепаси, Шоште-па каби тарихий ёдгорликлар шулар жумласига кирди.

Бугунги кунда бу тарихий обидаларни таъмирлаш, янги замонавий бинолар, жумладан, меҳмонхоналар қуриш, шу та-риққа Тошкентни сайёҳлар шаҳ-рига айлантириш энг муҳим ва-зифалардан бири. Шу мақсадда қатор тадбирлар амалга оширил-моқда. Масалан, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси Ўзбекистон—Ма-лайзия қўшма қорхонаси томо-нидан қайта таъмирланмоқда. Бу юмушта 51,5 миллион доллар са-рфланади. Натيجалда меҳмонхо-на турт юлдузли қошнага айла-нади.

— Али ака, — деди ёшроғи, — бундан уч-тўрт йил бурун хув анави сой ёқасида, Муқимий театри рўпарасида чойхона бу-ларди, эслайсизми? Ҳўп десан-гиз, ушата ошқондан бир «зап-рапка» кўп осяк.

— Э, Мирзажон ука, садаған кетай, мента 20-30 йил нари-дан гапир-да, — жавоб қилди, иккинчиси. Унинг овози бўған-дан чиқди, афтидан, тили ости-га аллақачон нос отиб олишга улгурган кўринарди. — Тошкент-да бўлмаганимга шунча ва-қт ўтпти-я! Улиям шаҳримсан, шаҳар бўпти-ёв. Кўрдингми, Буржар тепасидаги кўприкни? Йўлга қара, асфальти нақ ойни-ни узи, унга тикилиб бамали-хотир соққол осяк бўлади. Кат-талиги-чи? Биранига беш-ўнга мошин юрсам, яна эяшак ара-вага жой қолади-ёв. Шундай чиройли кўчага чиройли от қўйишганини айтмайсанми? За-ҳирдини Мухаммад Бобур!!! Жа-ранг-лашини кўр...

У республикамиз мустақиллик-ка эришганининг турт йилги арафасида, 1995 йилнинг 11 августда фойдаланишга топши-рилган. Бешёғочли Буржар ка-нади кўприги ҳақида мароқ ила сўзлар, бундан хайратланганини ошқора баён этарди. Лекин бу меҳ-мон ана шу иншоот етти минг тонна темир-бетондан иборатли-гини, «Ўзбектранскўрилиш» дав-лат уюшмаси кўприкчилари уни жува қисқа муддатда — 18 ой ўр-

нига атиги ярим йил ичида қуриб битказилганини, кўплаб ташки-лотлар эса унга сайқал берган-ликларини, муҳими — Тошкент-нинг Яқсарой ва Чилонзор туманларини тушатирадиган янги кўприкнинг тикланиши республи-камизда амалга ошириладиган ке-

Туризм САЙЁҲЛАР МАСКАНИ

«Шоллик» меҳмонхонасида ҳам Германиянинг «ИНПРО» фирмаси билан ҳамкорликда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш-тиклаш ишлари тўла тугаллангач, у беш юлдузли меҳмонхона ма-қомига эга бўлади. Яъни, бу ерда жаҳон андалазарига жа-воб берадиган майиш хизмат кўрсатиш шохобчалари фао-лият кўрсата бошлайди. Ҳин-дистонлик курувчилар бунёд этган 600 ўринли меҳмонхона эса сайёҳларни қабул қилмоқ-да.

Бундан ташқари, ўтган йил-дан буён «Ўзсаяҳатинвестбанк» туристик фирмалар, ташкилот ва

корхоналарга хизмат кўрсатиб келмоқда, республикамиздаги туристик ташкилотларга янги лойиҳаларни рўёбга чиқариш-лари учун узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ажратмоқда.

Бўлтур, шунингдек, Тошкент-да илк марта 33 мамлакат-нинг юзлан зиёд фирмалари иштирокида «Буюк ипак йўли буйлаб сайёҳлик» ярмаркаси ташкил этилган эди. Эндилик-да бундай ярмаркани ҳар йили октябрь ойида ўтказишга ке-лишиб олинди.

Шоҳида Қиёмова,
«Халқ сўзи» қопидаги журналистлар мактаби тинловчиси.

саройидан бошлаб Абдуқосим мад-расасигача тугатиб кетган кенг майдонда қўлида асони маҳкам ушлаганча улуг ҳазратнинг ўзлари меҳмонларга меҳонлик қилаёт-ганликларига гувоҳ бўлганида, Ва-зирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қиёмини

Миннатдорлик

— Али ака, — деди ёшроғи, — бундан уч-тўрт йил бурун хув анави сой ёқасида, Муқимий театри рўпарасида чойхона бу-ларди, эслайсизми? Ҳўп десан-гиз, ушата ошқондан бир «зап-рапка» кўп осяк.

— Э, Мирзажон ука, садаған кетай, мента 20-30 йил нари-дан гапир-да, — жавоб қилди, иккинчиси. Унинг овози бўған-дан чиқди, афтидан, тили ости-га аллақачон нос отиб олишга улгурган кўринарди. — Тошкент-да бўлмаганимга шунча ва-қт ўтпти-я! Улиям шаҳримсан, шаҳар бўпти-ёв. Кўрдингми, Буржар тепасидаги кўприкни? Йўлга қара, асфальти нақ ойни-ни узи, унга тикилиб бамали-хотир соққол осяк бўлади. Кат-талиги-чи? Биранига беш-ўнга мошин юрсам, яна эяшак ара-вага жой қолади-ёв. Шундай чиройли кўчага чиройли от қўйишганини айтмайсанми? За-ҳирдини Мухаммад Бобур!!! Жа-ранг-лашини кўр...

У республикамиз мустақиллик-ка эришганининг турт йилги арафасида, 1995 йилнинг 11 августда фойдаланишга топши-рилган. Бешёғочли Буржар ка-нади кўприги ҳақида мароқ ила сўзлар, бундан хайратланганини ошқора баён этарди. Лекин бу меҳ-мон ана шу иншоот етти минг тонна темир-бетондан иборатли-гини, «Ўзбектранскўрилиш» дав-лат уюшмаси кўприкчилари уни жува қисқа муддатда — 18 ой ўр-

АЛИ АКАНИНГ ҲАЙРАТИ

(Ёхуд шу баҳона бугунги Тошкентга бир назар)

ни қўламли обдонлаштириш да-стурининг боёқчиларидан бири эканлигини, еро, факат кейинги йилларнинг ўзида бу борда қатор ўзгаришлар рўй берганини билар-миким? Агар у бугунги кунда пойтахтимиз кўрига-кўрк қўшаёт-ган Мустақиллик бозидидаги уйно-қт фанворалар ёз жазирмасининг тифтини кесиб, ҳузурбахш ша-бада инюм этиб турганини кўр-ганида, Алишер Навоий номи миллий бозор сайр этиб, ҳар йи-ли Наврўзи олам ва Мустақиллик байрамларида Халқлар дустлиги

қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисидаги кўри қорасида Сайбон, Қорасарой, Форобий, Чимбой каби кўчаларга рўёбга чиқарилган олашумул ишлар билан танишганида, бу ерда қу-рилган замонавий уйларида исти-қомат қилаётган хонадонлар-да меҳмон бўлганида, «Юнусобод» теннис мажмуи, Тошкент «Диспенсари», Ҳиндистоннинг машҳур «Тата прожекте ли-мител» фирмаси бунёд этган

«Ўзбектуризм» меҳмонхонаси-га ташриф буюрганида, Амир Темур хиббони ва «Ўзбекистон» шохўниси ёнида кўл соҳи-лида хордиқ чиқарганида, пойтахтининг жанубий-шарқий дарвозаси ҳисобланган «Фарго-на йўли» қўчасидан ўтганида, шарқона услубда бутунлай қайтадан қурилган «Оло й»,

ҳам буйига, ҳам энига кенгай-тирилган, унинг қиёфаси эса то-бора гузаллашиб бормоқда. Одамлар шаҳарни барпо қилмоқ-далар, шаҳар эса одамларни ша-қлантирмоқда. Буларнинг ҳам маси нафақат тошкентликлару бутун ўзбек халқини, балки хо-рижликларини ҳам лол қолди-рмоқда.

Демак, эй, нотаниш меҳмон, Сизнинг ҳозирги ҳолатингиз қувончу ҳайратга тушилинган-нинг ўзи томомила табиий ҳол-дир. Камбанининг қўли ҳам шундай туйғу оғушладирки, ушбу сатрларни унинг ҳосла-си, деб ҳисоблайсан.

Сунғи сўз. Тошкентликлар юртбошимиз ташкиллаганлари-дек, азалдан меҳнаткаш, бир сў-зли, оқибатли, бағри кенг, юрт ва миллат учун бутун борлиги билан хизмат қилишга қаттиқ бел болаган фидокор инсонлар-дир. Иншооллоҳ, улар бор экан, шаҳримиз истиқболда жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан би-рини айланажак.

Икром ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АЛЛОМАЛАР ДЕЙДИКИ...

Бebaҳo Тошкентимиз, на-ҳоринг кундуздан шан, Меҳнаткаш, мунис ўр-тоқ, қадрдон дўст, эмак-дони, Қиши — ёз, кузи — ба-ҳор, туни кунидан равшан, Лондон, Париж, Румога алишмайман кўҳна Шош. Рафур ҲУЛОМ.

Ўзбек шоирларидан Тош-кент ҳақида, унинг сўлим лаваҳалари ҳақида байтлар тизмаган бирон кишиши кўр-сатиши амримаҳолдир. Шу-лар жумласида, мен ҳам бир неча йилимни сарф этиб, Тошкент ҳақида маҳсуе до-стон — «Тошкентнома» ни ёздим. Мен бу достонимда... шахримнинг ери-юртини, су-

ай-тупроғини, об-ҳавосини, чаман ва боғини маҳф этиб, осмонга кўтардим. Мен ун-ге ерини — жавоҳир, тупро-ғини — олтин, дедим. Мақсул ШАЙХЗОДА.

Кўеи нури-ла балқиган, гулмехр дарёси-ла инсон қалбини мафтун этган, бу-тун Шарққа, бутун оламга

ҳайт тўқилларини, меҳ-нат, зафар тўқилларини элтган азизим Тошкент, сенга гуллар диёрин, бол-ғар ўлкасидан олам-олам салом. Салим БИЛОЛОВ, болгар журналисти.

Мен Тошкентни, унинг салимий ва меҳмондўст халқини севиб қолдим. Мухаммад АЛИ, америкалик профессионал боксчи.

